



“ТАСДИҚЛАНГАН”
«UzAssets investitsiya kompaniyasi»
акциядорлик жамияти Ягона
таъсисчисининг 2021 йил
«17» декабр даги 122/20-кп - сонли
қарори билан

Кунашов Ф.В.

«UzAssets Investitsiya Kompaniyasi»
Акциядорлик Жамияти
УСТАВИ

(янги тахрир)

Тошкент – 2021 й.

I. Умумий қондалар

1.1. Ушбу устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 15-июндаги “Хусусийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 381-сон қарори асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Акциядорлик жамияти шаклидаги “UzAssets инвестиция компанияси” (кейинги ўринларда - Жамият) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 15-июндаги “Хусусийлаштириш жараёнларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 381-сонли қарори ва Жамиятининг Ягона таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020-йил 20-августдаги 167к-ЛС-сонли буйруғига асосан ташкил этилган.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ олиб боради.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ номи:

давлат тилида:

лотин ёзувида - Aksiyadorlik jamiyati shaklidagi “UzAssets Investitsiya Kompaniyasi”;

кирилл ёзувида - Акциядорлик Жамияти шаклидаги “UzAssets инвестиция компанияси”;

рус тилида: - “Инвестиционная компания UzAssets” в форме акционерного общества;

инглиз тилида: «UzAssets» joint-stock investment company.

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

давлат тилида:

лотин ёзувида - «UzAssets» AJ;

кирилл ёзувида - «UzAssets» АЖ.

рус тилида: - АО «UzAssets»;

инглиз тилида: «UzAssets» JSC.

1.5. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият чекланмаган муддатга тузилган.

1.6. Жамият юридик шахс ҳисобланиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг Устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.7. Жамият ўзининг жойлашган ери, давлат ва инглиз тилларида тўлиқ ёзилган Жамият номи кўрсатилган юмалоқ муҳрга ҳамда Жамият ўзининг номи ёзилган бланка, логотип ва тижорат муомаласи иштирокчиларининг ҳаракатини тавсифловчи товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга.

1.8. Жамиятнинг жойлашган жойи у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.

Жамиятнинг жойлашган манзили (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 6-уй. Индекс: 100000

Жамиятнинг электрон почта манзили: info@uz-assets.uz;

Жамиятнинг расмий веб-сайти: uz-assets.uz

Жамият ўзининг жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса ўзининг веб-сайтида ёки оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

1.9. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида белгиланган тартибда банк ҳисобварақларини очишга ҳақли.

1.10. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар эмас.

Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек, Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар эмас.

1.11. Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлик Жамияти ёки масъулияти чекланган Жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик Жамиятларига эга бўлиши мумкин.

1.12. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳуқуқига эга.

1.13. Ушбу устав билан тартибга солинмаган ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек халқаро шартномалар ва келишувлар билан тартибга солинади.

II. Жамият фаолиятининг соҳаси ва мақсади

2.1. Жамиятнинг асосий мақсади ўзига берилган корхоналарнинг акцияларини сотиш учун уларни сотишдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибдорлигини ошириш, мазкур акцияларни салоҳиятли инвесторларга сотиш орқали хусусийлаштиришнинг муваффақиятли натижаларини таъминлаш, шунингдек Ягона акциядорнинг манфаатлари йўлида фойда олишдир.

2.2. Жамиятнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

давлат улуши (акция пакети) устав капиталига берилган корхоналарни (кейинги ўринларда – корхоналар) сотишдан олдин тайёрлаш, шу жумладан уларнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, бу борада корпоратив Бошқарув ва фаолиятнинг самарадорлигини ошириш механизмларни жорий этиш бўйича хорижий инвесторлар, халқаро молия институтлар ва консалтинг компаниялар билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш;

корхоналар фаолиятини комплекс таҳлил қилиш (due diligence), жумладан молиявий, солиқ, юридик, корпоратив, инвестициявий ва “бенчмаркинг” усулида таққослаш орқали таҳлил қилиш;

корхоналарнинг асосий кўрсаткичлар бўйича мақсадли таргетларни, ривожланиш стратегиясини аниқлаш;

корхоналарнинг даромадлилик нормасини ва молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини халқаро амалиётдаги мезонлар асосида таҳлил қилиш;

Жамиятнинг устав капиталига берилган корхоналар улушларини самарали бошқариш, корхоналарни ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош корхоналарга айланишини кўзда тутган ҳолда уларни сотишга тайёрлаш ва сотиш жараёнларини режалаштириш;

корхоналарни кейинчалик стратегик ва портфел инвесторларга сотиш мақсадида уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш ва салоҳиятли инвесторларнинг рўйхатини (қисқа рўйхат) шакллантириш учун инвестиция воситачилари ва профессионал консултантларни жалб этишни кенг йўлга қўйиш;

корхоналарни салоҳиятли инвесторларга сотиш мақсадида мақсадли аудиториялар учун “роуд шоу” дастурларини ишлаб чиқиш ва тақдимотлар ўтказиб борилишини ташкил этиш;

иқтисодиёт тармоқларини узоқ муддатли ривожлантириш мақсадларидан келиб чиқиб, устав капиталига берилган активларни салоҳиятли инвесторларга сотиш орқали корхоналарга инвестициялар жалб этилишини таъминлаш.

2.3. Жамият қўшимча фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақлидир.

2.4. Қўшимча фаолият турлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда, рухсатнома (лицензия) олингандан кейин амалга оширилади.

III. Жамият устав фонди (капитали)нинг миқдори

3.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

3.2. Жамиятнинг устав фонди 1 009 175 391 000 (бир триллион тўққиз миллиард бир юз етмиш беш миллион уч юз тўқсон бир минг) сўмни ташкил қилиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 1 009 175 391 (бир миллиард тўққиз миллион бир юз етмиш беш минг уч юз тўқсон бир) дона номланган оддий акцияга бўлинган.

3.3. Жамиятнинг устав фонди Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.4. Жамият 4 010 824 609 000 (тўрт триллион ўн миллиард саккиз юз йигирма тўрт миллион олти юз тўққиз минг) сўм миқдорида 4 010 824 609 (тўрт миллиард ўн миллион саккиз юз йигирма тўрт минг олти юз тўққиз) дона номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган оддий акция чиқаришга ҳақли.

3.5. Акцияларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан, мулкый ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

а) Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш

3.6. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.7. Қўшимча акциялар эълон қилинган Жамият уставида белгиланган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

3.8. Жамият устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарорлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.9. Жамият устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

3.10. Жамият устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Жамият устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади.

Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамият устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамият устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

3.11. Жамият устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур уставда кўрсатилган эълон қилинган кўшимча акцияларнинг сони жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

3.12. Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор ҳисобланади.

б) Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни камайтириш

3.13. Жамият устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Жамият устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга ҳақли.

3.14. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

3.15. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Ягона акциядор устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.16. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади.

Кредиторлар Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

IV. Жамият акцияларининг турлари, уларнинг номинал қиймати, Жамиятнинг бошқа қимматли қоғозлари

4.1 Жамиятнинг акциялари оддий эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади. Ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм.

Оддий акцияларнинг эгаси бўлган Ягона акциядор қонунчилик ва ушбу уставга мувофиқ Ягона акциядор ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

4.2. Жамиятнинг оддий акцияларини имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

4.3. Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Жамият Кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади.

Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар Жамият томонидан жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

V. Жамият акцияларини жойлаштириш тартиби ва шартлари

5.1. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

Акцияларнинг очиқ обунаси фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорда ўтказилади.

5.2. Жамият томонидан Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

5.3. Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, акция пакети (улуш), мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.4. Қўшимча акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли

қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Жамият Кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилаётганда Жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

VI. Жамият акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Жамият акциядорлари:

Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олинган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларга бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;

акциядорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Акциядорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва кўзда тутилган ҳолларда ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми Жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақли.

6.3. Ҳар бир оддий акция унга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

6.4. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва Жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши Жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

6.5. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

6.6. Жамият акциядорлари куйидаги мажбуриятларга эга:

Жамиятнинг акцияларига қонун ҳужжатларида, ушбу уставда ва акция чиқарилиши тўғрисидаги қарорларда кўзда тутилган тартибда, усулларда ва муддатларда ҳақ тўлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қилмаслик;

акциядорлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.7. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

VII. Дивидендларни тўлаш тартиби

7.1. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.2. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7.3. Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.4. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтимиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

7.5. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

7.6. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.7. Жамият акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва қарор қабул қилишга ҳақли емас:

уни тузишда бутун устав капиталини тўлиқ тўлангунга қадар;

агар дивидендлар тўлаш вақтида Жамиятда банкротлик белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида Жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;

агар Жамиятнинг соф активлари қиймати унинг устав капитали ва захира фонди ҳажмидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига ега емас.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.8. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда эълон қилади.

VIII. Жамиятнинг захира фондини ва бошқа фондларини ташкил этиш тартиби

8.1. Жамият соф фойда ҳисобидан устав фондининг 15% (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузади. Жамиятнинг захира фонди ушбу уставда белгиланган миқдорга етгунга қадар соф фойданинг камида 5% (беш) фоизи миқдорида ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

8.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

8.3. Жамият ташкил этиш мақсади, миқдори, ташкил этиш ва фойдаланиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ белгилаб бериладиган бошқа фондлар ташкил этиш ҳуқуқига эга.

IX. Жамият Бошқарувининг тузилмаси

9.1. Жамиятни Бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши;

Кузатув кенгаши;

Ижроия органи (Бошқарув).

Х. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши

10.1. Жамиятнинг Ягона акциядори Жамиятнинг юқори Бошқарув органидир.

Ягона акциядор ҳар йили молиявий йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай йиллик йиғилиш ўтказиши.

Ягона акциядорнинг йиллик йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган шартномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва Қонун ва Уставга мувофиқ бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

10.2. Жамиятнинг Ягона акциядори ваколатлари доирасига қуйидагилар қиради:

Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш, Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш;

ўз акцияларини сотиб олиш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва Жамият фаолиятининг асосий, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ҳулосаларини эшитиш;

Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошладиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар томонидан уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларига, тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни белгилаш;

баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг 50 фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамият Кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзолари аффилиланган шахслар бўлган тақдирда, аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қарорлар Бошқарув томонидан қабул қилинадиган Компаниянинг жорий оператсион фаолияти билан боғлиқ битимлар турларининг рўйхатини тасдиқлаш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

10.3. Ягона акциядорга тегишли масалалар Жамият Кузатув кенгаши ва ижроия органи (Бошқарув) га берилиши мумкин эмас.

10.4. Жамиятнинг барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлса, Жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Юқорида қайд этилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

XI. Жамият Кузатув кенгаши

11.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ушбу Қонун ва Жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

11.2. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат.

Жамият Кузатув кенгаши уз фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом, Ягона акциядор тасдиқланган регламентлар асосида олиб боради.

11.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

Жамият устав фондини кўпайтириш (устав капитали), шу билан бирга Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ва эълон қилинган акцияларни сонини камайитириш билан боғлиқ бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг корпоратив акцияларини қайта сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабидан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;.

Жамият ижроия органини тузиш (сайлаш, тайинлаш), унинг рахбари ва аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

қарорлар Ягона акциядор томонидан қабул қилинадиган масалаларни тайёрлаш ва Ягона акциядорга киритиш;

Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш масалаларини ҳал қилиш учун Ягона акциядорга киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш, унинг фаолиятига оид низом ва қоидаларни тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил қилиш ва ходимларини тайинлаш, шу билан хизматнинг чорак ҳисоботини эшитиш;

Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

Жамиятнинг шўба ва тобе хўжалик Жамиятларини ташкил этиш;

битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият активлари баланс қийматининг 1 (бир) фоиздан 50 (эллик) фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида бўлган йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан яқдиллик билан қабул қилинади;

Жамият Кузатув кенгашининг биттадан кўп бўлмаган аъзолари аффилиланган шахслар булган тақдирда, аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ҳалқаро амалиётда кенг қўлланадиган тартиблар ва жалб қилинадиган консалтинг ташкилотлари тавсиялари ҳамда бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда устав капиталига берилган акция пакетларини (улушларни) сотиш шакллари, усуллари ва шартларини белгилаш ва сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида ва ушбу уставда белгиланган тартибда тузиш;

ХII. Жамиятнинг ижроия органи

12.1. Жамиятнинг Ижроия органи коллегиял ижроия органи (Бошқарув) ҳисобланади. Жамият Бошқаруви 3 (уч) кишидан иборатдир.

Бошқарув ишига Бошқарув раиси раҳбарлик қилади.

Кузатув кенгашининг қарорига асосан Бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш, чет эллик мутахассислар иштирок этиши имконияти бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин.

12.2. Компания бошқаруви вазифасига, Жамият бошқарувининг фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалаларни амалга ошириш юклатилган, Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

12.3. Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини Кузатув кенгаш раиси, у булмаганда ваколат берилган Кузатув кенгаш аъзоси имзолайди. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномалари Бошқарув раиси томонидан имзоланади.

12.4. Жамият Бошқаруви:

ушбу Устав билан белгиланган, Жамиятнинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва молиявий-хужалик ишларини ташкил қилиш;

Кузатув кенгаши ва Ягона акциядорларнинг умумий йиғилишида баён этилган масалаларни ижро этилишини таъминлайди;

акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган маълумотларни олиш ва дивидендларни тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди;

қонунчиликда, Жамиятнинг уставида ва ички норматив ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг мулки ва пул маблағларини тасарруф этади;

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг тўғри ва ишончлили ташкил этилишини, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга ва бошқа шахсларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

ишчи ходимларини молиявий рағбатлантириш тугрисида Низомини тасдиқлайди, мансаб маошини ва унга қушимча устама туловини белгилайди, ходимларни рағбатлантиради ва ижтимоий ҳимоялаш мақсадида имтиезли туловлар белгилайди;

Жамиятнинг ташкилий ишлари билан боғлиқ булган бошқа масалаларни қонунда белгиланган тартибда қуриб чиқади.

Бошқарув аъзолари Компаниянинг Кузатув кенгашида кўриб чиқиш учун қонун тартибига масалаларни киритиш ҳуқуқига эга.

Акциядорларнинг манфатларини ҳимоя қилиш мақсадида, Бошқарув аъзолари Жамиятнинг бизнес-таввақалчилигини ва Жамият Бошқаруви жавобгарлигини сугурта қилиш ҳуқуқига эга.

12.5. Бошқарув раисининг ваколатлари:

Жамият номидан шартнома ва бошқа битимларга имзо қуйиш ҳуқуқига эга;

Жамият номидан ишончномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси банкларида Жамият ҳисоб ва бошқа рақамлар очади, ҳисобот ва молиявий ҳужжатларга имзо қуяди;

ишчилар билан меҳнат шартномалар (битим) тузади, ва ушбуларни бекор қилиш тугрисида қарорлар қабул қилади;

бошқарув Раиси уринбосарлари ва аъзолари уртасида мажбуриятларини тақсимлайди, уларга Жамият фаолиятига доир масалаларни ҳал қилишда вазифаларини белгилайди;

ўз ваколати доирасида, Жамият мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ижро этилиши шарт булган буйруқ, фармойиш, топшириқларни чиқаради, Низом ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди;

ишчи ходимлар томонидан ижро ва меҳнат интизомига риоя қилинишини таъминлайди;

амалдаги қонун доирасида, «UzAssets» АЖнинг ишчи ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўлайди;

Жамият ва унинг шўъба корхоналарида аудиторлик текширишлар утқазилишини ташкил қилади;

Ягона акциядор томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича Жамиятнинг жорий операцион фаолияти билан боғлиқ битимлар тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилади;

Жамиятнинг жорий фаолиятига оид қонунчиликдан назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилади.

12.6. Бошқарув раиси ва унинг уринбосардан иборат Коллегиал бошқарув вазифалари қуйидагилардан иборат:

баланс ёки сотиб олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 (икки юз) баробаридан Жамият соф активлари қийматининг 1 (бир) фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш.;

12.7. Бошқарув раиси Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини амалга ошириш бўйича Жамият Кузатув Кенгашига ҳар чорақда ҳисобот беради.

12.8. Бошқарув раиси ҳар йили Жамиятнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти натижалари бўйича Ягона акциядорга молиявий йил якунлари бўйича ҳисобот беради.

ХIII. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг, Бошқарув раисининг ва Бошқарув аъзоларининг жавобгарлиги

13.1. Кузатув Кенгаши ва Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз вазифаларини бажаришда Жамият манфаатлари йўлида ҳаракат қилишлари ва белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари шарт.

Агар бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамиятга жавобгарлиги қўшма ва бир нечтадир.

Жамиятга зарар етқазилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

ХIV. Жамиятнинг Молия-ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш

а) Ички аудит хизмати

14.1. Жамият ички аудит хизматини ташкил этади. Ички аудит хизмати Жамият Кузатув Кенгашига ҳисобдордир. Ички аудит хизмати ходимлари Кузатув Кенгаши томонидан тайинланади ва лавозимидан озод етилади.

14.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати қуйидагиларни текшириш ҳамда баҳолаш орқали Жамият Бошқаруви ишини назорат қилади:

Жамиятнинг Бошқаруви раиси ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини;

Жамиятнинг бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини;

Жамиятнинг хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини;

Жамият активларнинг сақланишини, устав капиталидаги 50 фоиз улуш Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операцияларни, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини.

14.3. Ички аудит хизматининг ходимлари сўнгги ўн йил ичида камида икки йил давомида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молиявий ёки солиқ назорати соҳасида амалий тажрибага эга бўлишлари ва қуйидаги талаблардан бирига жавоб беришлари керак:

ички аудиторлик сертификатига эга бўлиш;

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги таълимга тенглиги эътироф этилган хорижий давлат таълим муассасасида олинган олий иқтисодий маълумотга эга бўлиш.

14.4. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида, ушбу устав ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низомда белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

б) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)

14.5. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

14.6. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

в) Корпоратив консультант хизмати

14.7. Жамият Кузатув кенгаши қарорига асосан Жамиятда корпоратив консультант лавозими жорий этилиши мумкин. Корпоратив консультант Жамият Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади ва Жамиятда корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

14.8. Корпоратив консультант ўз фаолиятини Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган “Корпоратив консультант тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.

г) Комплаэнс хизмати

14.9. Кузатув кенгаши қарори билан Жамиятда Жамиятнинг таркибий тузилмаси ҳисобланадиган ва Жамият томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишига жавобгар бўлган Комплаэнс хизмати тузилиши мумкин.

14.10. Комплаэнс хизмати Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Низом асосида иш юритади ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради. Комплаэнс хизмати Кузатув кенгаши ва Бошқарув раиси олдида ҳисобдордир.

14.11. Комплаэнс хизмати Жамиятнинг ва унинг таркибий бўлимларини, шу жумладан ички аудит хизмати фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолаш ҳуқуқига эга.

XV. Жамиятнинг йиллик ҳисоботларини тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби

15.1. Жамият бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этиши шарт.

15.2. Жамиятнинг молиявий ҳисоботларида тақдим этилган ва Ягона акциядорга тақдим этилган йиллик ҳисобот, баланс, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг аниқлиги мулкӣ манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши керак.

Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилади.

15.3. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи дастлаб Жамият Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланиши керак.

15.4. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

XVI. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш

16.1. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

XVII. Яқуний қондалар

17.1. Ушбу уставнинг ҳолатлари бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар тегишли равишда суд тартибида ҳал қилинади.

17.2. Ушбу уставда акс эттирилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

17.3. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонун ҳужжатларига ушбу уставнинг ҳолатларига зид келувчи ўзгартиришлар киритилган ҳолларда, амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрлари қўлланилади.

17.4. Ушбу Жамият устави Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

“UzAssets” АЖ Бошқаруви раиси

 **А. Қаҳҳоров**